

## ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

01/22-сон

“ 07 ” 02 2022 йил

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ (кейинги ўринларда) “Буюртмачи” деб юритилади) номидан 2021 йил 31 декабрдаги 01-01-09/4833-сонли ишончнома асосида иш юритувчи бошқарув раисининг биринчи ўринбосари **Артиков Собиржон Садуллаевич** бир томондан ва “Energyconsult” МЧЖ раҳбари **Махмудов Низомжон Шавкат ўғли** (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ Ижрочи Буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклга эга бўлмаган куйидаги “Ўзбекистон МЭТ” АЖ харидлар жараёнини ягона ахборот тизими”ни яратиш бўйича дастурлаш хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган (<https://etender.uzex.uz/lot/17078>) савдо натижасида белгиланган талаблар асосида хизмат кўрсатиш.

Илова №1 – Техник топширик

Илова №2 – Хизмат кўрсатиш муддати режа-жадвали;

Илова №3 – Ҳисоб-китоб режа-жадвали

### 2. ХИЗМАТ ҲАҚИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Кўрсатилган хизматлар учун Буюртмачи шартномавий баҳо тўғрисидаги баённомага мувофиқ **525 000 000 (Беш юзи йигирма беш миллион) сўм**, шу жумладан, олдиндан тўлов тартибида мазкур сумманинг **30 фоизини 157 500 000 (Бир юзи эллик етти миллион беш юз минг) сўм** миқдорида тўлайди.

2.2. Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. Ижрочининг ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни кўрсата олмаган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда Ижрочининг хизматлар кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади.

2.4. Буюртмачининг айби билан хизмат кўрсатиш мумкин бўлмай қолган тақдирда, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

### 3. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ижрочи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган хизматларни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.

3.2. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади ва унга ҳисобот ҳужжатларини илова қилади.

3.3. Хизмат натижаларидан қониқмаган Буюртмачи далолатномани олган пайтдан бошлаб 10 кун ичида Ижрочига хизматларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

3.4. Буюртмачининг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома туздилар ва унда қўшимча кўрсатилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

3.5. Хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда Ижрочини хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

3.6. Ижрочи Буюртмачига хизмат кўрсатилган ишлар сифатига бир йил муддатга кафолат беради ва Ижрочи бутун кафолат муддати давомида иш натижаларини буюртмачига топшириши шарт.

Буюртмачи кафолат муддати мобайнида аниқланган иш натижасидаги камчиликлар билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли. Бунда бошланғич техник талабларда кўрсатиб ўтилмаган қўшимча ва ўзгартиришлар томонлар келишуви асосида қўшимча келишувга асосан бажарилади.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

4.1. Хизмат кўрсатиш кечиктирганлик ёки тулиқ хизмат кўрсатиб бермаганлик учун Ижрочи Буюртмачига хизмат кўрсатиши лозим бўлган, аммо хизмат кўрсатилиши кечиктирилган ёки тулиқ хизмат кўрсатиб берилмаган хизмат суммасининг 20 фоизигача бўлган миқдорида жарима тўлайди. Бунда буюртмачи томонидан лойиҳа давомида киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга сарф қилинган вақт ҳисобга олинади.

4.2. Сифати томонлар тарафидан тасдиқланган техник топшириққа лозим даражада мос бўлмаган хизмат кўрсатилганлиги учун Ижрочи Буюртмачига сифати лозим даражада бўлмаган хизматнинг 20 фоизигача бўлган миқдорида жарима тўлайди. Бунда сифат даражасини аниқлаш учинчи бетараф корхона томонидан амалга оширилади. Учинчи корхона хизматлари учун харажат Буюртмачи томонидан қопланади.

4.3. Буюртмачи Ижрочи томонидан кўрсатилган хизматлар учун тегишли тўловни кечиктирилиги учун тўлови кечиктирилган ҳар бир кун учун қарздорлик суммасининг 0.1 фоиз миқдорида, лекин тўлови кечиктирилган сумманинг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.4. Шартномада белгиланган муддатда хизматларни қабул қилишни асоссиз рад этганлиги учун Буюртмачи Ижрочига танлаб олинмаган ёки қабул қилинмаган хизматлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.5. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

4.6. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар жавобгар жойлашган Иқтисодий судида ҳал этилади.

#### **5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

5.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

5.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

5.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

5.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

5.5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

– коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

– улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

– уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

– уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

5.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

5.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 5.4 ва 5.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## **6. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

6.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

6.3. Буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини тўлиқ тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

6.4. Ижрочи ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

6.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 3 банк иш кунидан олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар томонидан расмийлаштирилгандан ва дастлабки тулов (аванс) туланган кундан бошлаб кучга кирази ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

7.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

## ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

### БУЮРТМАЧИ:

**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ**

Манзил: Тошкент ш., Осиё кўчаси,  
42-уй

Х/р: 20210000905062611001

Банк: АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”

МФО: 00424, ИНН: 306347741

ОКЭД: 35120,

ҚҚС тўловчининг коди:  
326020040038



### ИЖРОЧИ:

**“Energyconsult” МЧЖ**

Манзил: Паркент кўчаси, 329а-уй

Х/Р: 20208000305372812001

Банк: АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”

МФО:00432;ИНН: 308096334.



М.Ў.